
Электр таъминоти янада яхшиланади

Тошлоқ туманда жойлашган 35/10 кВли Заркент нимстанциясининг қувватини енгиллаштириш учун 4000 кВали трансформатор ўрнига янги 6300 кВали трансформатор олиб келинди. Туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ва туман прокурори Аҳрорбек Худойбергандовлар Заркент нимстанциясида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Ҳозирда янги трансформаторни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бу билан шу нимстанциядан фойдаланаётган истеъмолчиларга электр таъминоти янада яхшиланади.

2020-10-30 17:38:36